

хүршиг
ғүстмүхаммаq

ХОВЛУ
ЭТАГИДАГУ
ҮЙ





821 512. 133

4 99

хўршиқ

qўстмуҳаммад

ХОВЛИ ЭТАГИДАГИ УЙ

ҲИҚОЯЛАР ВА ҚИССАЛАР




ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

1989



Теварак-атрофимизда кечәётган ҳодисаларга озгина бошқачароқ — янгироқ нигоҳ билан қарай олсак, ҳаёт үзимиз одатланғандан күра янада гаройиброк эканлигига гувоҳ бұлаверамиз. Бадий асар күпчиликка худді шундай бошқачароқ — янгирик нигоҳ ҳадя эта олсагина зымасидаги вазифани бир кадар үтаган бұлади.

Құлингиздегі түпламға кирған киеса ва ҳикояларда муаллиф ҳаётимиздеги ана шу оддий, айни пайтда гаройиб өөкөа-ходисаларни бадий тадқик этнша уринади.



Д 4702620201—29
356(04)89 27—89

ISBN 5—633—00181—8

© Издательство «Ёш гвардия», 1989

ҲИҚОЯЛАР



САФ

Ҳали тонг бўзармай Райим чолнинг уйқуси кочди.
У имиллаб-симиллаб кийинди-да, кўчага чиқди. Шундай кунларда ғафлат босиб ухлаб қолса ёки уйғонса
ва дарвозадан чиқишга ҳаялласа, субхи содик сокинлигини бузиб, дарров чақиришади:

— Ошга-а-а!..

Унинг қулоғига бу — «сафга-а-а!» дегандек эши-тилади.

Райим чол кейинги пайтларда тетапоя боладек атак-чечак юрадиган бўлиб қолди. Атак-чечакдан бошланган дунё яна шу тарзда якунланишини ич-ичидан хис қиласр, кунда-кунора дарвозадан кўшалоқ симёғочгача — кўшнилар тўпланадиган жойгача бўлган масофани босиб ўтар экан, үзининг ҳар бир қадам товушини дикқат билан тинглар, шуурида нимадир ойдинлашаётгандек эди. Баъзан бу масофани умрининг ўлчовига, сафдаги ўрнини эса шу ўлчовга босилган мухрга ухшатарди.

Кўшнилар тўплангач, Райим чол ёнидагиларга бирма-бир қарайди, кейин йўл бошлайди. Мўйсафиднинг пешонасидаги ажиндек иланг-билинг саф чўзилиб йўлга тушади.

Уни Райим чол бошқаради. Ота белига мадор бўлсин учун қўлларини орқасига килиб юради. Яқин-яқингача Райим чолдан сўнг Фулом ота юрарди. У келбатли, яғриндор эди. Оғиздан «Беломор» аримас, папиросни тишлаб олганча онда-сонда гапга қўшилмаса, аксари ёнидагилардан аразлагандек жим бораверарди.

Ғулом ота умрида күрпа-тұшак қилиб ётмаган әди. Бир кун бурун құшни күчага түйга чиқиши. Би-рор ерим оғрияпти, деб нолимади ҳам. Аксинча, Райим чол зорланди. «Ғулом, — деди, — олис юришга өфім келмаяпти, мабодо мен чиқолмай қолсам, күни-құш-ниларга үзинг бөш бұлиб, бориб келаверинглар». Шунда Ғулом ота мийигида күлди, хиёл үтгач, тұнғиллади: «Чоғингиз келмай қолганига ҳам үн үйлча бұлди-ёв?» «Үзим ҳам ҳайронман, Ғулом, — деди Райим чол си-ник овозда. — Насибанг қырқылмасин экан...» Құшни күчага муюлишда йұл кескин нишаблашди. «Шунака жойдан ҳеч юролмайман, — деди Райим чол, — мункиб кетаётгандай бұлавераман». Ғулом ота унинг тирсаги-дан олди, кейин ҳазиллашди: «Орқанғизда мен бор-ман — хотирингиз жам бұлсин. Тұнингизнинг баридан тутиб юраман үзим».

Шу гапни эслаб, Райим чолнинг юраги орзиқиб кетди. Коронғиликда бир үзи бораётгандек, ҳозир мункиб үйқиладигандек түюлди. Баридан тутиб юрадиган Ғу-лом ота эса йўқ. Ўша ҳазил-мутойиба аралаш сұхбат бұлган куннинг эртасига... насибаси узилди. Кутылма-ган бу айрилик Райим чолни қаловлантириб қўйди. Ғулом ота сафнинг адолатли тартибини бузиб кетди...

Райим чол қарийб эллик йилдан бүён эл-юрг қато-ри ошга чиқади. Эсида, раҳматли отаси рұпарасига үтқазиб: «Ўғлим, энди сен ҳам маҳалла-кўйга аралаш. Мен бир кун соғ бұлсан, иккى кун нософман. Эшигимиз-дан лаббай деб чиқадиган эркак — сенсан», деган әди. Ўшанда отасининг гапидан ичи тошиб кетгани ҳамон ёдида. Бугун эса, битта-яримта ҳазиллашиб, ҳали ўш-сиз, деса, «йўғ-э» деб кўядиу ичиде севинади, кунгли кутарилади.

У дастлаб ошга чиққан кезлари кексаю ўш құни-құшни билан саломлашарди-да, уларга эргашар, яъни сафнинг энг охирида құл қовуштириб бораверарди. Би-рон йилгача шундай бұлди. Икки уй наридаги құшни-нинг ўғли ҳам ошга чиқа бошлади-ю, Райим охиридан иккинчи бұлди. Шунда у бирдан улғайиб қолгандек түюлди. Йиллар үтди ва унинг ортидан сафланувчилар сони янада күпайди. Жуда ўртада бұлмаса ҳам ҳар ҳолда, шунга яқинроқ жой энди уники әди. Ўзгалар иззатидан манмансираши гарчи табиатига ёт бұлса-да, баъзан ошга чиқадиган ўшлар кўпаяётганига — одам учун ҳурмат-эҳтиром ҳам зарур экан, деган хаёл-

га борибми — ўзига йўл бўшатадиганлар сероблашаёт-
ганига ич-ичидан мамнун булиб қуярди.

Райим тўй-маъракаларга аралаша бошлаган кунлар
Ориф бобо бандаликни бажо келтирди. Каторни бош-
қариш Маҳкам бувага қолди. У узок яшади, чамаси,
юзни қоралади, саф узайса узайдики, қисқармади. Бир-
дан Маҳкам бува, кейин Ҳусан тоға омонатларини топ-
ширишди. Ўшанда катталар, «Ҳусан тоғани Маҳкам
бува тортиб кетди», дейишган эди. Сунг, ха-я, отаси-
дан илгари Рazzоқ бобо — у ёғоч оёгини дўқиллатиб
юrar эди — кейин Миржалил боғбон — тўй-маърака-
ларда унга кенжা ўғли ош едирап, чунки урушда хар
иккала қўлидан ажралган эди... Ваҳоб чолдан кейин
сафни «етаклаш» унинг отасига қолди. Энди эса...
Райим чол орқасида гурунглашиб келаётган қўшни-
ларни хаёлан бир-бир кўз олдидан ўтказди. Дароз,
урта бўй, пакана... Савлатли, суханбоз, кўримсиз...
Бири-бирига ўхшамайди... Саф учун бунинг фарқи йўқ.
Насл-насаби, топармон-тутармонлигидан қатъи назар,
улар ҳаётнинг энг одил таомилига бўйсунишади — хар
ким ёшига кўра ўз ўрнини олади. Бу «урин» муттасил
илгари силжийди — орқадан ўртага, ўртадан олдинга,
сўнгра... саф тарқ этилади. Чекинишга йўл йўқ, ҳеч ким,
ҳеч қандай куч бу тахлит силжишни на секинлаштира-
ва на ортга қайтара олади!..

Райим чол сафнинг охирини ҳаётнинг бошланишига,
каторнинг бошини умрнинг интиҳосига, бинобарин, саф-
ни ҳаётнинг ўзига қиёслайди.

Райимнинг «манзили» сафнинг урталарига силжиб
қолган кезлар ҳаёлига ғалати бир фикр келди. Разм
солса, афтидан, бир-бирига сертакаллуф куинган ай-
рим қўшилар орасида зимдан адоват ҳам бор, сафда
ёшига қарамай икки-уч, жилла курса бир кишидан ав-
вал туришга — сафнинг олдинроғида бўлишга интилув-
чилар йўқ эмас экан. Ундайлар гоҳ паришонхотирлик
қилиб, гоҳо кура-била туриб ўзидан кўра ёши улуғ-
роқлар олдига тушиб кетаверади. Тўйхона ҳам, аза-
хона ҳам гавжум жой — таниш-нотаниш, дўст-душ-
ман бор. Шуларнинг кўз ўнгидаги саф охирода судра-
либ келиш ундей кимсалар учун уят, таҳқир.

Сафланишнинг ёзилмаган таомилини писанд киль-
май, Райимни ортда қолдириб кетганлар ҳам бўлди.
Лекин у на чурқ этиб оғиз очди, на ғаши келганини
сездирди. Шунга қарамай на одамгарчиликдан, на об-

рү-иззатдан айрилди. Эсиз, «Райим ака» бўлган даврлари утди кетди. Энди у — Райим чол. Сафимизнинг файзисиз, деб уни ошга чиқмаганга қўйишмайди. Ғулом ота эса сафни ўтириб кетди. Ҳосил бўлган «хандак»нинг нариги тарафи мустаҳкам — ёшлар, бу томонида эса Райим чол — ёлғиз. Шу палла Райим чолнинг хаёлига бир ўй келди: лоақал бир мавсум сафнинг охирида юрса эди!.. «Кўнглинг яна нималарни тусамайди, Райимбой? — деди ўзига-ўзи. — Кучанинг арзанда қарияси бўлсанг, иззатингни жойига қўйиб юрган қуни-қўшиларинг сени орқада қолдиришармиди?..»

Райим чолнинг хаёллари чалкашди: бўлар-бўлмасга зорланиб, хасталигидан нолиганида Ғулом отанинг беозоргина жеркиб ташлаганини эслади: «Э-э, қанақа одамсиз, Райим ака! Дунёга келдингизми, мириқиб яшайверинг! Тирикчиликдан қолманг. Паймонамиз тўлиб, қани, сафар халтангни кутар, деб келиб қолса, олдига тушиб жўнайверамиз-да. Шуям бош қотирадиган нарса бўлди-ю...»

Ғулом отанинг тап тортмай ҳазиллашганидан Райим чол каттиқ музтар бўлса-да, сир бой бермади. «Менга қара, — деди у, — кўчамизнинг азалий удуми бор. Шу вақтгача ҳам аввал келган — аввал, кейин келган кейин кетган дунёдан. Ҳозир ҳаммангдан кексаронинг — ўзим. Уқдингми? Мабодо, олдига солиб кетадиган келса, менга рўпара кил. Янаям қарирофимиз бор, дегин...»

Йўқ, Ғулом ота ундей қилмади... Мана, қуни-қўшилар, қариндош-уруғлар, яқин-йироқлар Ғулом отаникига кўнгил сўрагани келишяпти.

— Мен бир оз хизматда бўлай, — Райим чол қўшиларига шундай деб дарвоза ёнидаги ўриндиқлардан бирига чўкди. Турнақатор тизилиб бирин-сирин келётган саф-саф одамлар Ғулом отанинг ҳовлисига кириб чиқаверишди. «Тўйхонага, азахонага, ошхонаю ишхонага кириб-чиқишида — ўнтами-иккитами одам тўпланган жойда улуғлар — аввал, ёшлар — кейин юради. Одамгарчиликнинг таомили — шу. Лекин...» Райим чол ҳассасига иягини тираганича ўтаётган сафнинг олди, ўртаси ва охирини кузатар, турфа хил ёшдаги одамларни муқояса килар, улар орасида ёши улуғроқларни босиб ўтиб, олдинроқдан жой олишга интилаётганлар ҳам борлигини сезиб, мийифида хорғин жилмайиб қўяр эди.

ВАСИЙ


Оппок, тоза дастурхонга йўргакланган чақалоқни тиззалири орасига ётқизиб тебратиб ўтирган жувон айвоннинг ланг очик деразасидан буйинни чўзиб ҳовлига қаради. Қувалашаётган бир жуфт мусичани кўрдию йўргакни авайлаб кўрпачага ётқизди, урнидан илдам туриб калишини оёғига илганича ҳовлига тушди. Мусичалар қанотини париллатиб олдинма-кейин томга кутарилди.

Жувон айвон қаторига солинган ошхонадан ўтди, девор пойига суюб қўйилган хокандозни кутариб, унинг остидаги супургини олди, хокандозни қайта жойига қўйди. У мусича қўнган жойга келди-да, оёқларини кенг ёйиб икки букилганича гўё йўқолган игнани қидираётгандай ерга тикилди, шу алфозда бир нафас тургач, тупроқдаги мусича изини топди. Кўйлагининг этагини орқага сирмаб, ўша ерни супурди.

Ховли топ-тоза эди, супурги кесак увоғини тирнаб чиқарди. Жувон кесакни бармоқлари учда авайлаб ушлаб кўчиб чиққан жойини излади. Топди шекилли, увокни жойига қўйди, аввал бармоғининг уни, кетидан калишининг тумшуғи билан текислади, супургини яна бир сирмади-да, ошхона томон юрди, бориб хокандозни кутарди, супургини жойига қўйиб, устидан хокандозни деворга суди.

Жувон айвонга қайтаётуб водопровод ёнига борди, бош ва кўрсаткич бармоғи билан жўмракни бураб сувни жилдиратди, қулинни совунлади, ювди-совунлади, совунлади-ювди, сўнг тирсагини жўмрак чамбарагига ботириб уни бурашга уннади. Сув камайса-да, тўхтамади, кўнгли жойига тушмаган жувон тирсаги билан жўмракка таянган кўйи водопровод теварагида гиргир айлана бошлади: бир, икки, уч... ниҳоят, жўмрак котди — сув тўхтади. Жувон сув юқи селгишини кутиб кўлларини ёнига осилтириди, кейин боши баробар кутариб қуёшга тутди.

Ботиб бораётган қуёшнинг лақقا чуғдек тилими яшириниб улгурмаган, унинг ҳароратсиз, қизғиш нури атрофни ёритиб турарди. Жувон шафак ёруғида янаем оқариб куринаётган, тоб ташлагандек кийшиқ ва ориқ бармоқларига тикилди, қон ғалашгандай қизариб куринаётган зич панжалари орасидан кўз узмай, панжаларини ёйди, сўнг кафт ва бармоқларидан сув селгиб



булганига ишонч ҳосил қилгач, шипиллаганича айвон томонга юрди, калишини ечиб кавшандознинг бир бурчагига текислади-да, айвонга ўтди, ҳовли саҳнига кўз югуртириди, хотиржам тортиб, боя туриб кетган жойига қайтиб ўтириди. У йўргакни тиззасига ётқизиб дастурхоннинг қайрилган учларини текислади, қайта-қайта сийпалашига қарамай, бир чеккаси қайрилаверди. Жувон кўрпача остидан қайчи олиб дастурхоннинг йиғилиб-қайрилиб қолаётган парчасини қирқди, осилган ипларни ҳам қайчилади. Шундан сўнг кўнгли таскин топиб, яна йўргакни авайлаб тебратишга киришиди. У нималардир деб пичирлар, дам-бадам бўйинни чўзиб ҳовлига разм солар, дастурхон четларини тортиб-тортиб чақалоқнинг юзини яширишга тиришар, ҳовли жимжит, айвон жимжит, баъзан жувоннинг шивири қулоққа чалинмаса, ҳовли ҳам жимжит эди.

Ногаҳон йўлак томонда нимадир «шапп!» этди. Жувоннинг йўргакни сийпалаётган қўллари асабий қалтиради. Тўсатдан ҳушини йўқотган одамдай ранги қув учди, лабларини қимтиб бирпас тин олди. Сўнг қайчини кўрпача остига яшириди, йўргакни тиззасидан тушириб оҳиста кўрпачага ётқизди, қаддини ростлади. Калишини оёғига илди-да, зинадан чаққон тушиб ошхона томонга юрди. Ошхонани ёнлаб бориб супурги билан хокандозни иккала қўлига олди, зипиллаганича қайтиб, йўлакка ўтди. Йўлакда нимадир «шарпп! ширпп!» этдию жувон у ёқдан чиқди — хокандозни тутган қўлини олдинга чўзганча бурнини жийирди, хокандозда эса янги келган газеталар бор эди, холос.

Шу алфозда жувон ҳовли этагига борди. Ошхонанинг орқа томонига бурилиб кўздан йўқолди. У талай фурсат қайтиб кўринмади, шарпаси ҳам сезилмади. Ҳовлига хавотирли сукунат чўқди.

... Уйнинг ёпик деразаси гўё шу сукунаттга халал бермоқчи эмасдек «қирс... с...» этиб журъатсизгина очилди. Тавақалар ярим-ёрти очилиб улгурмай...

Ошхона муюлишида жувоннинг кораси кўринди. У супурги билан хокандозни аввалги ўрнига қўйди, кейин... водопровод ёнига келди. Бош ва кўрсаткич бармоқларининг учидаги жўмракни бураб сувни очди, қулини икки-уч қайта совунлаб, эринмай ювди, жўмракни тирсаги билан қотирди, сўнг кафтларини боши баравар кўтариб ботиб бораётган қуёш нурига тутди.

Ейиб турган панжаларига узок тикилди. Кафтларини юз-күзига яқинлаштири-узоклаштири, яқинлаштири, яна узоклаштири. Уфқа бош қўяётган қуёш нури кафтларининг сиртидан сингиб ич томонга ситилиб ўтаётгандай, кафтларидан ўтиб кўзларини баттар қамаштираётгандай бўлаверди.

Шу пайт унинг нигоҳи рўпарасига қадалди. Равиш-холатини бузмай узок, синчков тикилди, сўнг бирдан қулини қуритаётганини унуби айвонга югурди. Саросимадан кўзлари олайиб, йўргак тепасига келди, қонталаш шафакнинг қирмизи нури равон ромининг юкори кўзига тушиб турар, ойнадан синиб ўтган бир тутам нур чақалокнинг устини ёритган эди. Жувон йўргакни даст кўтариб уни нариги кўрпачага ётқизди, сўнг ўша тезликда айвондан тушиб ҳовли этагига югурди, у ерда омборхона томига суюб қўйилган узун нарвонни елкасига қўйиб, изига қайтди. Чайқала-чайқала аёлларга хос бўлмаган ғайритабий куч билан оғир нарвонни лапанглатиб кўтариб келди. Нарвон учини равоннинг юкорисига қадар кўтариб қўйганида дераза кўзи кирсиллаб кетди. Жувон бунга парво қилмади, индамайнетмай зипиллаб нарвондан икки-уч пофона кўтарили. Нарвоннинг уни фийқиллаб бир ёнга кийшайди.

... боя ярим-ёрти очилган уй деразаси шиддат билан, лекин шовқинсиз ланг очилди.

Жувон пофонада турган жойида бир силтаниш билан нарвонни жойига қайтарди. Шошиб-пишиб юкорилади-да, равон ромининг энг тепасидаги — шафак нури тушаётган кўзини қаттиқ-қаттиқ арта бошлади. Бироқ ойнага ҳамон нур тушаверди, жувон ҳарчанд артмасин, уни кетказолмади, тўхтаб бир муддат тикилди — ойнада худди сув юзасида ёйилгандай мой доғлари куриниб турар — унда қуёш нури жилвала-наётган эди.

Жувон нурга шу қадар жон-жаҳди билан тикилдики, ойнадан қайтган шуъла унинг кўзларига игнадек қадалди, оғриқка дош беролмаганидан бошини силтаб орқага торти. Ногоҳ силтанишдан мувозанатни йўкотган жувоннинг гавдаси орқага оғди — уч-тўрт қулоч тепаликдан боши билан тиккасига ағдарилиб тушаётган аснода ҳам у ола-кула кўзларини ойнадаги доғдан — шуъла аксидан узмади. У йиқилишидан эмас, балки ўша қизғиш-қирмизи нурдан саросимага тушган, ваҳимадан ўзини ўнглолмай қолган эди.

... ланг очилган деразадан ҳовлига бир йигит ирғиб түшди. Түшдио оёғи ерга тегаёзганида мункиб кетди, үзини базур үнглаб юргилаганича нарвонга етиб келди ва жон ҳолатда унга ёпишди. Йигит дағ-дағ қалтираган құллари билан нарвонни тутган чоғида жувон мувозанатини тиклади, ҳеч нарса юз бермагандек тик турганича бояги-бояги — ойнани артаверди, ойна эса топ-тоза, гард-ғуборсиз, ҳатто қуёш янаям уфқ ортига چүкканидан қирмизи шуъла анча юкорига силжиган, дераза құзига тушмаётган эди.

Жувон ойнани ҳали узок тозалайдигандек бир ма-ромда ҳаракат қилаётганида йигитни күрди. Ранги қув үчди, оёқ-құли бұшашиб, нарвонга ҳолсиз сұянди, ойна артаётган латтаси өзилиб осилиб қолди. Кейин үзи имиллаб туша бошлади.

Яна водопровод жұмраги буралди, құллар ювилди, тирсак билан жұмрак котирилди-да, жувон кафтларини қуёш ботиб кетган томонга тутди. Унинг узун-узун, қоқ сүяк бармоқлари ола-чалпок ёруғда жонсиздек күринар, үзи кафт ва бармоқларидаги нақшин чизиклардан асабийлашар, ұжар нигоҳи билан уларни силлиқлагиси келар, айни чоқда нарвон ёнидаги йигитға ғижиниб күз кирини ташлаб құярди.

...нимжон, майкачан, соchlари тұзиган рангпар йигит миқ этмай унга мұлтайиб тураверди.

Тахлика ва хавотирдан гезариб кетган жувон құлини орқасига яшириди, югуриб айвонга чиқди, йүргакдаги чақалоқни даст күтариб бағрига босганича үзини ичкари уйга урди.

... нарвонға сұянған күйи жувонни кузатаётган йигит юришга қофландио, үрнидан жилмади. У, жувон эшик тирқишидан үзини кузатаётганини сезмагандай күрсатиб бошини хам қилди. Хиёл фурсат үтказиб, әхтиёткорлик билан эшик томонға күз кирини ташлади. Жувон күринмади. Йигит яланг оёқларининг учиды бир-бир қадам босиб айвонға чиқди. Бұсағага етган жойида ниманингdir «ғқирч, ғқрич»лашини әшитиб, такқа тұхтади...

— Сени мендан олиб қўйишмоқчи!

— Мен сенинг болангман-ку.

— Не-еңта туғдим-а!.. Туғаман — улар олиб құяди, туғаман — олиб құяверишиади. Озмунчасини йүкотдимми?! Сени бермайман!..

— Мениям тортиб олишса-чи?

— Унда яна туғаман. Агар эндиям эрга беришмана-чи, үзимни мана бунақа қилиб қи-йиб ташлайман! Күряпсанми?..

...йигит жон ҳалписида әшикка яқинлашиб құзи-ни тирқишигә босди...

Хона түридаги тахмонга үгирилиб үтирган жувон тиззасидаги чақалоқ үралган дастурхон — йүргакни бүйдалади, силаб-сийпалади, бир йұла юзи ёпік чақа-лоқ билан гаплашаверди:

- Үзингни қыйсанг мени ким бокади?
- Вой, тилингдан айланай, уларга қолсанг ёнбо-шига боси-иб үлдириб құяди. Беріб булибман!
- Бұлмаса, уларнинг үзини қийиб ташлай кол!
- Дамингни чикарма, яшшамагур! Кияман! Ҳам-масини қияман. Ҳовлида ёлғиз қолсам-чи, дарвозани тамбалаб қўйиб туғавераман, туғавераман. Ҳаммала-рингни қатор-қато-ор ётқизиб жонимни були-иб-бұли-иб бераман, қоқиндик!.. Ҳу-увв!.. Ҳу-уввв!.. Улардан — золимлардан қачон қутиламан? Қутиламанми?!. Ҳу-увв!.. Ҳу-уввв!..

Йүргак устига дув-дув күз ёш тұқила бошлади. Лекин жувон йифидан тез тұхтади. Үлғайиб қолган фар-зандини рұпарасыга үтқазиб олиб унга хотиржам на-сиҳат қилаётган онадек вазмин гапирди:

- Сен күп вайсама. Юзингни очма. Ҳұпми?.. Улар овозингни эшитса, сени олиб қўйишади. Сенсиз ҳо-лим нима кечади? Сени қаердан топаман яна?
- Бұлмаса, яшириб қўй.
- Товушингни чикарма деяпман! Изимдан юради улар, мени үз ҳолимга қўйишмайди... Эшитиб қолса үйим құяди, вайрон буламан!
- Яшир, тезрок! Шошилсанг-чи!
- Менга үргатма, деяпман! Нима, яширишга ак-лим етмайдими? Етмайдими!.. Мана!.. Мана!..

Жувон үрнидан дик этиб турди-да, уй ичини гир-гир айланишга тушди. Бирдан тұхтади, излаганини топди шекилли, токчага тұшалған оқ қофознинг чеккасидан ушлаб қаттиқ тортди. Устма-уст терилған пиёла, чой-нак ва ликобчалар оёқ остига шараклаб тушіди.

...пойғакда турған йигит уй ичига отилиб кириш-дан үзини базүр тииди. Ҳолсизланиб, әшик кесакиси-га суюнди. Үнинг оёқ-қулидан мажол кетган, асабий қалтиар, лекин күзлари ҳамон сергак, хүшёр ҳам меҳр-ли бокар эди...

Йўргак устига сочилган чинни парчаларини кафти билан сурнаб ташлаётган жувон бирдан чўғга ботириб олгандай қўлини силтаб тортди ва кўзига яқинлаштириди. Кафтининг қиррасида қон кўринди. Жувон дам кафтинга, дам қон томчиларига менграйди, шунда

... эшик «тиққ» этди...

Жувон букчайиб ўрнидан турди, аста эшик томонга ўгирилди

... эшик ортидаги одам шарпасини...

сезди. У апил-тапил йўргакни қоғозга ўрай бошлади. Шу аснода эшик ва дераза томонга қараб худди бадбўй исдан нафаси қайтгандай «Хувв!..» деб лабини чўччайтира, қўллари шиддатли ҳаракатланиб чақалоқни ураб-чирмар эди. У йўргакни бағрига босганича юргилаб эшикдан чиқар-чиқмас таққа тұхтади.

... йигит айвондан тушиб улгурмаганди...

Жувон ўша заҳоти орқасига қайтди. Эшикни тараклатиб ёпди. Йўргакни яшириш мақсадида унинг устига кўрпача тортди. Кейин деразадан ташқарига қарди, бошини чиқариб энгашди. Афтидан дераза ошиб ҳовлига тушишга чоғланди. Журъат этолмади чоғи, чироқни ёқиб кўрпача остидан йўргакни олди, шокилашокила бўлиб кетган дастурхонга қулидаги қон юқларини артди. Арта туриб зич ёпилган эшикка қараб оғир тин олди. Сунг ҳамон хавотирли нигохини эшикдан узмай унга яқинлашди. У болани бағрига босганича эшикка пешонаси теккудек оралиқда тұхтади...

...нариги томондан эса йигит ичкарига муралаб турарди...

Жувон аллакимлар эшикни бузиб уйга бостириб киришга ҳозирланаётганини пайқаб қолгандай даҳшатга тушган, аъзойи-баданига юргурган қалтироқни босолмаётган эди. У анча вактгача шу ахволда турди. Титроқни босишга чиранганидан пешонаси ва юзларида соvuқ тер томчилари пайдо бўлди.

Бироздан сунг у анча хотиржам тортди. Энди унинг ҳаракатларидан ҳадик, пала-партишлик ариди, аксинча, фавқулодда бамайлихотирлик билан тахмондаги кўрпаларнинг ярмини зумда ағдарди. Сунг қоғозга ўралган йўргакни тахмонда қолган кўрпанинг устига кўйди-да, унинг устидан йиқитган кўрпаларни қайта йиғишишга тушди. Шунда у оёгининг остидаги кўрпани

олаётіб этагини құшиб кутарганидан унинг зангори ич күйлаги күриниб кетди

...әшик ортидаги йигит күзини олиб қочди...

Ичкаридан жувоннинг бүғік ва зардали овози келди:

— Энди топиб булишибди! Топади-я, топади! Тахмонга яқынлашсан-чи! Битталаб қияман... Құлимга тушганини қиймалайман!

— Мени қыйма!

— Сени қиймайман, қоқындигим! Тағин ўлыб-нетиб қолмагин, хұп-ми?.. Йұқолмагин... Туғишида қийналдым-ей!.. Яна қачон бола кұраман. Яна қачон әрга берішади мени... Сен үлмагин, сени яшираман!.. Щылб қолмагин!.. Увв!.. Хих, уввв!! Хувв, кет! Хувв, кет! У-уввв!..

Жувон аччик-аччик хұнграб юборди.

...әшик ортидаги йигит икки букилиб қалит уясидан мұралаб қарап, бир лаңза бұлсın жувондан күз узмас әди...

Үйдан алла товуши әшитилди. Жувон алла айтаётіб гапдан тұхтамас, дам үзи, дам чақалоқ бұлиб саволжавоб қилас, «боласи» ёқимли гап айтгудай бұлса, «Вой, айланай-эй!» деб тахмонга талпинар, лекин құлини чузар-чұзмас йиғлаб юборар, яна аллалашда да-вом этарди.

У шу алфозда узок юрди. Кейин тұхтаб, уйнинг үртасида бир нұқтага қадалганча қаққайиб қолди, узокдан элас-элас қулокқа чалинаётган шовқинни әшитмоқчидек сергакланди. Унинг шу туришида яна не балоларни бошлашини билиб бұлмасди...

Аллаканча вакт үтди. Жувон үй суріб үйига етган одамдай шошилмай тахмондаги күрпанинг икки-учтасини туширди. Сұнгра йүргакдаги чақалоқни деворга тақаб унинг устидан күрпаларни қайтадан йиғди. Йиғилган күрпаларни кафти билан итариб-суріб текислади, текисланмаган жойларини қиди. Шундан сұнгана күнгли тасалли топди чоғи, күлларини икки ёнга осилтирганича елкаси билан күрпага ҳорғин суялди...

...йигит қалит уясидан тикилиб тураверди...

Ніхоят жувоннинг күзлари юмилди, сирғалиб тушиб гиламга үтириб қолди.

...йигит әшикдан чекинаётіб сезилар-сезилмас энтиқди, енгіл нафас олиб ёнгинасидаги стулга охиста чүкди...

Тун ярмидан оғиб, тонг отишига пича қолган, уйнинг

чироғида ҳовли саҳни, қорайиб куринаётган нарвон, айвон юзасида сочилиб ётган дастурхон қийқимлари қандайдир сирли-безовта манзара ҳосил қилган.

...майкачан, елка сүяклари туртиб чиқкан увоққина йигит стулда суюнганича тиззаларини қучиб кунишиб мудрар эди...

Жувон ғира-шира тонг ота бошлаганида уйғонди. Ътирган күйи остин-устин бўлиб кетган уйнинг аҳволига разм солди. Щурнидан шошилмай туриб сочини, күйлак ёқаларини тузатди, сўнг тахмондаги кўрпаларни туширди, боя ўзи қўйган йўргакни олиб қон доғлари қотиб қолган қофозга, қайчилаб ташланган дастурхонга анграйди, чукур, сўлғин уф тортди. Қофозни, дастурхонни очди-да, унга ўралган чақалоқ-ёстиқни олиб тахмонга кўйди, оёқ учида юриб келиб эшик тирқишидан айвонга муралади.

...йигит стулда гужанак бўлиб єтирганча ухлаётган эди...

Жувон тахмондан туширган кўрпалардан бирини келтириб эшикни оҳиста очди, йигитнинг тепасига якинлашиб кўрпани икки қуллаб ёйиб баланд кўтарди. Эшик шовқинсиз очилгандаёк куш уйқусида ётган йигит чўчиб уйғонган эди. Жувон унинг кўзига қарамай, юзини кўрпа билан панараб туриб гуноҳкорона ва чорасиз бир изтиробда гапирди:

— Жойингга кириб ухла, укам. Мен тузукман... Мен яхши бўлиб қолдим...





ЙЎЛАКДАГИ ОДАМЛАР

I

Леонид Андреевни ўқиб.

Тор кўчанинг бошидан охиригача сув сепиб супирилган, ланг очик дарвоза рўпарасидаги узун столга дастурхон тузалган, унинг бир томонида қатор ўтирган мўйсафидлар тараддудда — ҳадемай куёв жўралари билан келади.

— Ҳой, тирранчалар, нарирокда ўйнанглар! Күёв келиб кетсин, тўйхона сизларга колади!

— Ол-а! Күёв келиб-кетса, болалар тўйхонада нима килади? Хих!..

— Нима киларди, ўйнайверади! — Мўйсафидлар қаторининг бошланишида ўтирган ориқ, янок суюклари туртиб чиқкан, юзи қип-қизил киши: «Ия, менга киноя қиладиган одам ҳам туғилган эканми?» деган мақомда бўйнини чўзиб луқма ташловчига ўгирилди. Қаторнинг охиридаги одамнинг ёнида иккита устул буш, ундан нарида Тоживой узок ва оғир хаёлга чўмгандек боши эгик, тикилган нуқтасидан кўз узмай ўтирас эди. У ҳеч нарса эшитмагандай кимир этмади, ўзига-ўзи гапирган кўйиғулдиради:

— К-куёв кет-тгач, тўйнинг кизифи қоладими?

— Э-э, кийик, мен билан олишишни сенга ким қўйибди?!

— Тоживой, гилайлашиб кетаётган кўзларини базур очиб, қаторнинг бош томонига қаради:

— Абдаз ака, сиз осмондан оёқ узатиб тушгансиз, б-биз ердан кўкариб чиқканмиз... шу... дай демокчи-сиз-да?

— Ўзингдан катта бир гап айтганда сен тилингни

тийиб ўтиравер, жиян! — Абдаз ака лов этиб ўт олганича ҳали шаштидан тушмаган эди.

— Оғир-рөк гапириб юбор-дингизми дейман-да... — Тоживой иккала кафтини тиззасига тираб, бошини аранг тутиб турар, унинг шолғомдек қизариб кетган юзидан, сархуш кўзларидан на жаҳл, на осойишталикини укиб бўларди.

— Оғир ботса менинг чакагимни очма!

— Битта гапдан қолинглар, энди, — деди мўйса-фидлардан бири, — Абдаз, сен тушунган одамсан-ку, ҳар қалай.

— Ана, Абдаз ака тушунган одам, биз — ғалча, юрт кўрмаган...

Шу пайт икки меҳмон келиб тавозе билан тўйхонага юрди.

— Бу ерда тушунмаган одам йўқ, — деди үзини оқлашга уриниб, бояги мўйсафид, — омади гапни айтдим-кўйдим-да. — У ёнидаги қарияга маъноли кулимсиради.

— Биз ҳам улпат кўрган йигитмиз... ха, энди, Зокир акамиз озиб-ёзиб би-ир қиз чиқараётган эканлар, шунга... жиндек хурсандчилик қилсак... шунга...

— Жиндайлиги кўриниб турибди!

Тоживой утирган устул синиб кетаёзгудек қаттиқ фичирлади, унинг ўзи суюнчикка тиранниб ўрнидан оғир турди, устулнинг орқа оёғи ерга ботди. Тоживой Абдаз ака томон икки қадам ташлади.

— Эрталабдан хизматти жойига кўйдик, Зокир акам битта яримта кўйдилар, шунга... Фахр билан майдаладик. Тортмайди, деб сустлик қилди. Дўстинг учун... деганлариdek, ўзим оворибман, акам. Яримтанинг кўплиги қаёққа борарди.

— Оз дейсан-у, одамлик сиёҳинг қолмади, Тожи! На гап-сўзингда, на юриш-туришингда тайин бор!

Тоживой ўзига ўқрайиб турган Абдаз аканинг кўзларидан нигоҳини узмай унга яқинлашди. Гўё Абдаз ака кўзларидаги қуринмас ип билан чирмаб ўзи томон бирма-бир тортиб олаётгандек Тоживой алпанг-талпанг қилиб келди-да, унинг рўпарасида тұхтади. У ортиқча эгилганидан шундок ҳамчувак гавдаси баттар кичрайган, устига-устак бўйини елкалари орасига тортиб янада аянчли тус олган эди.

— Шунақами... Аб-бдаз ака, одам... лик сиёҳимиз

қолмабдими?.. Ундан күра юзимга би-ир шапалок тор-тинг. Мана, «ғинг» деган номард.

Үтирганлар орасида енгил, беғараз кулги күтарили. Улар Тоживойни, Абдаз акани юпатган бўлишди. Зокир амаки оғзини очмай кулди. Абдаз ака, «Одамлар келишяпти», деб меҳмонларни кутувчига им қоқди, Тоживойга ишора килди. Тим кора мўйловли киши ўрнидан туриб Тоживойга рупара келди: «Йўлда туриб қолибсан, ука, чеккароққа ўтгин». Меҳмон кутувчи тезгина яқинлашди-да, Тоживойнинг билагидан чанглаб уни боя ўтирган томонга судрагудек етаклади. Тоживой чалишиб-қоқилиб бориб жойига ўтирди. Меҳмон кутувчи шу заҳоти изига қайтиб, майин табассум билан келувчиларга юзланди.

Тоживой чұнтағини узок қавлади. Қавлай-қавлай эзилган папирос донасини топди. Ёнига ўгирилиб, бошини күтарди — икки қадам наридаги күшнисига қаради. У Тоживойга орқа ўгириб ўтирас эди. Тоживой қул силтади. Костюм чұнтақларини тимирскилади, ўрнидан туриб шимининг чұнтағидан гугурт олди. Биринчи чұп синди, иккінчиси «чижзз» этдию учди. Учинчиси ёнди. Тоживой оғир уфлади. Папирос тутунини чуқур-чуқур ичига тортиб, бир нуктага тикилганча ўтираверди. Ниманидир эслади, бошини сарак-сарак килиб чайқади. Мувозанатни йўқотмаслик учун секин ўрнидан турди. Бир-бир қадам ташлаб ўтирганлар олдидан ўтди. Улар Тоживойни жимгина уйига кетаётганга йўйиб, ўзларини пайқамаганга олишди. Тоживой катор бошидаги устул ёнида тик турган Абдаз ака рўпарасига келиб тұхтади.

— Одамлик сиёҳимиз қ-қолмадими, Абдаз ака? Киркдан ўтганда-я!.. Майли! — Тоживойнинг билакдек ингичка, чўзиқ бўйни дош беролмагандай боши шилк этиб эгилди. — Майли, битта... дилдан чиқариб, «ғинг» десам.

Абдаз ака тишлари орасидан кулиб чолларга, Зокир амакига, кейин Тоживойга қаради.

— Сен-чи, қийик, уйингга кир-да, бир уйкуни ол. Бор!

— Ия! Хо-хо! Куёвни кутмай-м-мизми? Ичиб кетаверишми! Йў-ук. Зокир акам биззи ҳурмат қилдиларми — сийлаш биздан. Тан бердим, Зокир ака! — Тоживой Зокир амаки томонга ўгирилаётib оёғи чалишибди. Ўзини аранг ўнглаб, боядан бери юзидан табассум аримаётган Зокир амакига жилмайди.

— Келин-куёв құша қарисин, омин! — Тоживой кафтларини юзига тортди, күзини очди. — Үғил бола гап — құша қарисин!

— Дуо қилишни ҳам удалайди, — деди үтирган-лардан бири. Тоживой яна Абдаз акага юзланди:

— Куёв кевоттию, акамм, мен ухлар эканманми? Унақаси кетмайды!.. Бизда ҳам қызы бор, икки үғил борр... Хотиннинг мияси бутун — кудалик бұлай деяпсиз, ичишни ташланг, дейди.

Шу аснода катта күча томондан ногоранинг тараклаши эшитилди. Болалар, «Куёв келди! Куёв келди!» деганча ҳовлидан дувиллаб чиқиши. Тоживой ҳавасланиб, улар изидан мамнун тикилди.

Катталар ҳам жонланиши. Мұйсафид меҳмон кутувчига, Зокир амакига күрсатма берди, улар йулакка кириб үzlаридан ёшрокларга, ёшроклар эса үzlаридан кичикроқларга ул-бул юмушларни эслатиши.

Тоживой кучоқ очиб йулакдан чиқиб келган Зокир амакининг бўйнига осилди. «Роҳатини кўринг! — деди у Зокир амакининг юзидан чўпиллатиб ўпиб, — куёвингиз ҳам келиб колди... Бизга ҳам шш-унақа куёвлар учрасин!»

Зокир амаки, «Айтганинг келсин», дея Тоживойнинг қўлларидан авайлабгина бўшалди-да, хижолатомуз кузлари билан кимнидир излади. Ҳовлидан икки-уч нафар ўсмир йигит чиқди, Тоживойга қараб мийигида пикирлаб үтиши. Карнай-сурнай, доира-нофора тор кўчани бошига кўтариб яқинлашаверди.

Зокир амакининг холи қололмаётганини кўрган мўйсафидлардан бири ўрнидан туриб келди-да, Тоживойнинг билагидан тутди, унинг кулоғига нимадир деб шивирлади. Тоживой қулини силтаб тортди, чайқалиб, гандираклади. Зокир амаки билан бояги киши «ҳой-хой»лаб уни суюб қолиши.

— Нарирокка олиб турадиган бирор кимса йўқми? Хозир ҳаммани шарманда қиласи!

Қариялардан бири шу гапни айтиб улгурмай Абдаз ака шитоб билан келди-да, Тоживойнинг қайишидан чангаллаб ушлади, кўзларини янаем қисиб, унга үқрайди:

— Қийик!! — ўшқирди Абдаз ака паст, лекин дўкиддао аралаш, тишлари орасидан тупук сачратиб, — нари тур, бўлмаса нақ майиб қилиб қўяман, бола!

Тоживойнинг ёнидаги мўйсафид, «Майли, майли,

хозир ўтамиз», деб Абдаз акани тинчлантириди-да, Тоживойни гапиришга ҳам күймай чеккага судради. Күча муюлишида шұх-шұх сакраб ййнаётган үспирилар күринди...

— Сенда гапим бор, зарур, — деди мўйсафид Тоживойга, — сени укам деганман-у, Тожи, менга қулок солмайсанми, жигар? Юргин.

Тоживой мўйсафидга итоаткорона бўйсунди, кета туриб, «Майли, Абдаз ака майиб қилсин, майли» дер, шунинг орасида, «Сиз акамсиз» деб кистириб қўярди.

Куёвнавкарлар қариялар рўпарасида ярим давра қуриб ўйин курсатиши. Ноғорабазм забтига олди.

— Агар мени акам десанг, шу ерда тура-турамиз, — деди мўйсафид Тоживойга босиқлик билан. — Куёвлар уйга кирсин, кейин бирга жойимизга ўтирамиз.

— Ўтирми-миз! Хиз-змат қиламиз... Менда ҳам қиз бор, икки ўғил бор. Эрта-индин кудалик бўламан... Хотиннинг мияси бутун...

Тоживой гапириб туриб ноғоранинг ўйноки тарақлашига монанд сакрашга тушди, қўлларини кўтариб, гўё ноғорани қаршисидаги қария чалаётгандек ва мўйсафид унинг қилиқларидан ҳузурланаётгандек тобора тезроқ, чакконрок ирғишлай бошлади.

Карнай-сурнай нағмаси ҳовлидан эшитилди, бир оз утиб унга «Тўйлар муборак» уланди.

Кўча жимжит бўлиб қолди. Жойларига қайтиб ўтирган қариялар сафи энди сийраклашган, ўрта ёшлилар ичкарига киришган эди. Тоживойни орқада қолдириб қайтаётган мўйсафид Зокир амакининг, «Қани, бўлмайсизми», деганини эшитиб, «Мана, биз тайёр-да», деди-ю, йўргалаганича ўзини йўлакка урди.

Тоживойнинг назарида дунё ҳувиллаб колгандек бўлди. У пешонасидаги терни сидириб, чайқала-чайқала қатор охирига яқинлашди. Уч-турт нафар нуроний қария оҳиста гаплашиб ўтирас, Зокир амаки у ёқдан-бу ёкка ўйчан юринар эди. Тоживой жойига ўтиришини ҳам, ўтирмаслигини ҳам билмади. Фудранди.

— Қирқдан ўтиб қобман-у... Қирқдан-а!.. Ўтиб қобман-у! О-ов-ру шу бўлдими?!

Ҳовлидан ўрта ёшлардаги бир киши чиқди. Зокир амакига нимадир деб орқасига қайтаётганида амаки уни тўхтатиб, қулоғига пичирлади. У боши берк кўчага кириб колган мусоғирдек серрайиб турган Тоживойга қаради:

— Тожи, нега қаққайиб турибсан, қани, юр ичкарига. Ия, ўртоқ, түйхонага кирамиз. Юр!

Тоживойнинг эти жимирлашди. Ўзидан бошка Тоживой бордек ён-верига аланглади. У дарвозахона томонга йўл кўрсатиб турган одамни аник-тиник кўраётганидан тамоман ғалати, яқин-орада туймаган алланечук алфозга тушган — худди масти эмасдек, умуман мастилик ҳолати нима эканлигини асло билмайдигандек хушёр тортган, кўз олди, мияси тиниқлашганидан кўкси, бутун вужуди майин шабададан қониб ҳузурланаётгандай масрур эди.

— Нима, бегонамисан, туришингни қара, ичкарига юр деяпман!

У киши Тоживойни қўлтиқлаб йўлакка олиб кирди. Ҳозир ҳовлида елиб-югуриб хизмат қилаётганлар, чекка-чеккада турган одамларнинг ҳаммаси Тоживоига карайди, «Қани, Тожи!» деб унга илтифот курсатишади, «Юқорига, юкорига!» деб ҳовлининг тўрига бошлашади...

Тоживой сергакланди, кўйлагининг тугмасини қадаб кўкрагини беркитди, мижжалоқ дастрўмолини олиб қизарган, тер куйилиб келаётган юзи, бўйини қайта-қайта артди. Қирғийникидек қайрилма бурнини ўзгалиар кўзидан яширгудек энгашди-да, қўлтиқлаб олган киши курсатган — йўлакнинг унг томонидаги тор, бир канотли эшик остонасига қадам қўйди. Тоживой энди мастилигидан эмас, балки ҳаяжондан тутилиб-тутилиб гапирап эди, холос:

— Бизда ҳам ов-ру бор! Бизам юрт ичида юрган, уллат кўрган йигитларданмиз, ҳа. Биззи ҳам хурматимиз бор, ~~хх~~... хурматимиз...

Намат устига эски, такир кўрпача билан юпқа ёстик ташлаб қўйилган тор ҳужрада ҳеч зоғ йўқ, у ер жимжит эди...

II

Райкин ва Чаплин мақомида.

Ўттиз ёшлар чамасидаги йигит эшикни очиб кирди-ю, хаёлида «иссиқ экан» деб қўйди. У йўлакнинг ўртасига етганда, узига берилған саволни эшишиб тұхтади.

— Қаёққа?

Йигит бўйини аранг буриб деди:

— Учинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан!

Йигитнинг афти бужмайди. Энди орқага ўгирилганда бўш устул турганини кўрди. Мажолсизланиб оҳиста ўтирди, сезилар-сезилмас пишиллади, ихради, бошини деворга суяганча кўзини юмди.

Эшик очилди, кўчадан кирган одам тез-тез юриб кела бошлади, такқа тўхтади.

— Қаёқقا?

— Иккинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан!

Йигит кўзини очди. Изига қайтган киши эшикни очиб кучага чиқаётганини кўрди. Ёнига қаради. Деворга тақаб тўрт бурчак қилиб тахта билан ажратилган каталакда ҳозиргина ўзини тўхтатган урта ёшлардаги киши ўтиради. Йигит унинг айвони энсиз шляпасига, оппоқ, таранг юзига разм солди. Шляпали кишининг олдида чоққина тахта-стол, унда телефон, дафтар, ручкадан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Йигит кафтини пешонасига босиб кўзини юмди. Эшик очилди.

— Қаёқقا?

— Учинчи қаватга.

— Мажлис бўляпти.

Эшик тарақлаб ёпилди. Йигит пальтосининг этагини тортиб тиззаларини беркитди. Нимадир тухтовсиз тарақлайверди. Йигит кўзини очди. Шляпали киши калтабақай бармоқлари билан стол киррасини чертаётган эди. Чироқ липиллади. Йигит шифтга чапланган-дек япалок чироқларга қаради. Шахмат катаклари шаклидаги икки жуфт чироқнинг биттаси дам ёниб, дам ўчарди.

Телефон жиринглади.

— Ҳа... шундай! — овози эшитилди шляпали кишининг. — Мажлис бўляпти... Билмадим!..

Эшик очилди. Аёл кишининг шошилинч қадам олиши, сўнг майин товуши эшитилди:

— Салом!..

Йигит кўзини очиб, қошини чимириди. Ёнига қаради. Шляпали киши бошини силкиб алик олди. Йигит рўмолчасини олиб бурнини артди. Чироқ липиллади. Болдирига совуқ шамол урилди. Шляпали киши дўриллади:

— Қаёқقا?

— Директорга.

— Бугун қабул йўқ.

— Качон булади?

— Күчада ёзиб күйилган.

Эшик очилиб ёпилди. Йигит оёкларини чалиштириди. Шифтга, фанер қопланган деворга, оёқ остидаги оқиш мармарга кўз югуртириди. Совук ва илиқ аралаш ҳавода мөғор исини туйди. Чирок липиллади. Эшик тараклади.

— Ёп! — ушқирди шляпали киши.

Юпун кийинган, бошяланг ўсмир шошилиб, совук-котганиданми, дудукланиб гапириди:

— У... учинчи ққватга...

— Қайси бўлимга?..

— Иккинчи....

— Ўндан кейин келасан!..

Ўсмир изига қайтди, икки одим ташлаб тұхтади:

— Юкорида кутиб турсам майлими?

— Майли эмас!

Ўсмир кўчага чиқди. Йигит йўталди. Шляпали киши устолни ногора килиб чертди. Ручкани айлантириб дафтарга ташлай бошлади. Чирок липиллади. Йўлакнинг ҳавоси зах эди. Эшик очилиб кундузёқа пальтоли қиз кўринди. Салом берди.

— Мажлис бошланиб кетди, — деди шляпали киши.

— Биламан, — деди қиз ичкари кириб кета туриб, бепарво.

Шляпали киши ўрнидан турди, тўсиқ ортидан чиқди. Йўлакнинг сўл томонига ўтди, қайтди. Эшик очилди. Жун рўмолининг учлари билан оғзини беркитган аёл кирди.

— Қаёқقا?

— Ўғлим ўн саккизга тўлди. Шунга...

— Қайси бўлимга?

— Бўлимини билмайман, айланай. Кўк эшик борку...

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўндан.

Аёл эшик томон, шляпали киши бу томон юрди. Аёл тўхтади.

— Соат неча бўлди, айланай?

— Соат ташқарида, — жавоб берди шляпали киши угирilmай.

Эшикдан фириллаб шамол кирди. Йигит устма-уст акса урди. Рўмолчасини олиб кўзини, лаб-лунжини артди. Чирок липиллади. Шляпали киши изига қайтди.

Йигитнинг димогига мөгор иси урилди. Уф тортиб, оёқларини тапиллатди. Телефон жиринглади.

— Ҳа! — деди шляпали киши трубкани оғзига яқинлаштиrmай. Трубкадан гудок эшигилди. Киши трубкани жойига қўйиб ўгирилди. Телефон чўзиб-чўзиб жиринглади. Шляпали киши трубкани олди.

— Алё!..

Эшик очилиб ўрта ёшли киши қўринди.

— Мажлис бўляпти! — деди шляпали киши трубкани оғзига тикқудек бўлиб.

Ўрта ёшли киши йўлакнинг ярмидан ўтди.

— Қаёқقا? — деди шляпали киши трубкани кафти билан тўсиб.

Ўрта ёшли киши зина томон бурилди. Шляпали киши трубкага бақирди:

— Ўндан. Ҳа, ҳа, — ўн-дан!

У шундай деб трубкани жойига қўйди, зина томон югурди.

— Биродар, ҳў, биродар!

Йўлакка аввал ўрта ёшли, сўнг шляпали киши қайтди.

— Қабул — ўндан! — деди шляпали киши.

— Соат ўн бўлди-ку! — деди ўрта ёшли киши.

— Унда — ўн бирдан!

— Ия, бу қанақаси?

Йигит кўзини пирпиратди. Чироқ липиллади. Шляпали киши ўнг томонга ўтди, қайтди.

— Бу қанақаси?! — деди ўрта ёшли киши кафтига куф-куфлаб.

Шляпали киши чапга ўтди. Эшик очилиб, кетма-кет тўрт нафар йигит гуриллаб кирди. Йўлак муздек бўлиб қолди. Мөгор иси йўқолди. Йигитлар гангур-гунгур шовқин солиб ичкарига юришди.

— Йўл бўлсин?

— Тўртинчи бўлимга.

— Қабул — йўқ.

— Ўзлари бугунга чақиришган.

— Бугун қабул йўқ!

Йигитлардан бири тўнфиллади. Иккинчиси хиринглади. Тўртовлон изига қайтиб кўчага чикди.

Шляпали киши тўсиқ ортига ўтиб ўтирди. Устул қаттиқ ғичирлади. Киши шляпасини пешонасига тушириб ясланди. Устол қиррасини чертди. Йўлакни илмилик мөгор иси босди. Йигит чалиштирган оёқлари-

нинг ўрнини алмаштирди, шарфи билан димоғини бер-
китди. Уф тортди, даҳанини чўзиб йўталди. Ихради.
Иягини кафтига қўйиб энкайди. Телпагини юзига ту-
шириб, кўзини тусди.

Эшик очилди.

— Учинчи бўлимга, — деди кимдир.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бирдан, — деди
шляпали.

Эшик тарақлади.

Устол чертилди.

Эшик очилди.

— Деректорга — қабулга, — деди кимдир димоғида
тўнғиллаб.

— Директор — мажлисда. Қабул — ўн бирдан, —
деди шляпали. Телефон жириングлади.

— Эшитаман! — деди шляпали. — Йўқ, бошқа
жой!

Трубка шарақлаб жойига тушди. Тўсикнинг эшиги
гийқиллади. Шляпали кишининг вазмин қадам товуши
эштиллди. Телефон жириングлади.

— Йўқ, бошқа жой! — деди шляпали.

У трубкани қўйиб чапга ўтди. Изига қайтди. Йўлак
тор эди. Йигит кифтини кутариб бошини деворга суюди.
Кўзини хиёл очди. Чироқ липиллади. Шляпали киши
чапга ўтди. Йигитнинг димоғига мөгор иси урди.

Эшик очилди.

— Қаёққа?

— Иккинчи бўлимга.

— Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бирдан.

Эшик ёпилди. Шляпали киши чапга ўтди. Мөгор
иси келди. Йигитнинг кўзи ёшланди. Шляпалига қаради.
Осма соатнинг капгири одам бўйидек узун — дам у
ёққа-дам бу ёққа ўтар, эшик очилиб-ёпилар, йўлакка
совуқ шамол урар, чироқ липиллар, йигит гоҳ йўталиб,
гоҳ акса урар, шляпали киши соатнинг капгиридек ўнг-
га-сўлга, сўлга-унгга ўтар, ўтаверарди.

Телефон жириングлади. Соат капгири тухтади — шля-
пали киши тўсик ортига ўтди.

— Эшитаман... Мажлис бўляпти. Қабул — ўн бир-
дан.

У трубкани жойига кўйди, устулга ясланди. Йигит
урнидан турди. Шляпали кишига қаради.

— Ака, — деди у, — ёшингиз нечада?

— Элликни уриб қўйдик, ука, нимайди? — деди шляпали киши.

— Шунчаки сурадим-да, — деди йигит. — Ачинга-нимдан.

— Нимага ачиндинг, укам?

— Одам неча йил яшашини биласизми?..

Шляпали киши баттар ясланди, керишиб, мириқиб ҳомуза тортди. Йигит унинг эснаб бўлишини кутмай эшикни очди. Афтига совук, тоза шамол урилди. Йўлакда телефон жиринглади, чироқ липиллади...

III

Э. Рязановнинг «Гараж», Б. Брехтнинг «Мешчанлар тўйи»га тақлид.

Сумбула опа инқиллаб-синқиллаб автобусга чиқдиу боласи кўз ўнгидаги саккизинчи қават деразасидан тушиб кетган онаизордек чинқириб юборди:

— Вой, ўли-и-й!..

Шу пайт нимадир «қарс!» этиб синди, ҳайдовчи йигит ўтирган жойида кулоғини динг қилди, сўнг отилиб кабинадан чиқди-ю, кўчага тушиб энгашганча автобус тагига қарай кетди.

Чуғур-чуғур тиниб, ҳамма Сумбула опага қаради.

— Вой, одамми ҳар нарса бўғани яхши-и!.. Вой!, оқибатти уйи куйси-ин!.. Вой!..

Сайди ака ўтирган жойида қулинни пахса қилиб сўради:

— Ҳа, ҳа, нима гап, Сумбула опа, тинчликми?

Сумбула опанинг ранг-кути ўчди-ю, кўзини бехол юмганча ёнбоши билан кабина деворига суялиб қолди. Олдинги қаторда ўтирган Мехри сакраб ўрнидан турди, «хой-хой»лаганча Сумбула опанинг сумкасини қулидан олиб уни ўз ўрнига ўтқазди.

— Сув!. Сув борми?! — деди сўнг, ҳовлиқиб.

Автобусдагилар бир-бирига саволомуз аланглашди, ҳеч кимдан садо чиқмагач, ўрта қаторда ўтирган ўрта ёшлардаги киши шимининг орқа чўнтағидан рўмолча чиқариб Мехрига узатди.

— Бояйна ювандим, пешонасига босинг, — деди у меҳрибон бир товушда,

Сумбула опа ҳуркиб ўзига келди, кўзларини чараклатиб, кафти билан апил-тапил юзини тўсганча бош чайқади.

— Йўқ-йўқ, Бўтавойни рўмолчасини пешанамга босиб имонимдан айрилмоқчимасман.

— Сизга теккан рўмолчани қайтиб киссамга солармидим, ташлаб юбораман, — деди Бўтавой ака пишиллаб.

Автобуснинг тагида нимадир тарақлади, ҳайдовчи йигит югуриб кабинага кирди-ю, икки қўлига темиргерсак тутганча отилиб изига қайтди. Ҳамма Сумбула опа билан Бўтавой аканинг аччик-тизик муомаласига анграйиб қолганди. Фақат охирги қаторда Нафиса билан дилкаш сұхбат қуриб ўтирган Эркин сұхбат орасида ҳайдовчи йигитга бирров кўз кирини ташлаб қўйди.

Сумбула опа Меҳридан сумкасини қайтариб олди, сўнг Сайди акага юzlаниб ҳамон беҳол бир аҳволда гапирди:

— Ҳамма жойлашиб бўбди-да... «Опа чиқиб қолар» деган гап ҳеч кимнинг тамизига кемабди-да...

Сайди ака елкаларини силкитиб, соchlарини тўзғитиб хохолаб юборди. Бошқалар унга жўр бўлди. Биринчи қаторда ўтирган келинчак ийманибгина ўрнидан туриб жой бўшатди.

— Мана, ўтиринг, мен... ана, орқада жой буш.

У шундай деб орқа томонга бораётганда рўмолчасини қайтиб чўнтағига жойлаётган Бўтавой ака унинг йўлини тўсади.

— Ўтири, сан жойингга ўтири, қорнингда боланг бор, автобуснинг кети қанақа сакрашини билмайсанми? — деди жеркиб.

Келинчак дув қизариб бошини эгди. Иккинчи қаторда ўтирган Тўлашжон майин табассумлар билан Бўтавой аканинг гапини маъқуллади:

— Бўтавой акангиз тўғри айтдилар, сингилжон, сиз оғироёқсиз, орқада ўтириш ҳавфли...

— Нима, менга ярайдими орқада ўтириш, — лабини қийшайтириб жириллади Сумбула опа. — Саодатнинг корнида боласи бўлса, ана Бўтавой орқага ўтсин!

— Мёнинг корним оғриб турибди, эртага дўхтирга борадиганман, эҳтимол менинг ҳам болам бордир?..

Қах-қаҳадан автобус ёрилиб кетай деди. Қаердан-дир ҳайдовчи йигитнинг, «секинроқ!» деган заиф товуши эшитилди. Унга ҳеч ким эътибор қилмади.

Ҳаммадан узок кулган Сайди ака бирдан жиддий